

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ТАМАРА ЖОЛДАСБАЕВНА**

**ПУБЛИЦИСТИКА НАЗАРИЯСИДА АСАРНИНГ  
МАЗМУН ВА ШАКЛ МУАММОЛАРИ  
(Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological sciences**

<b>Машарипова Тамара Жолдасбаевна</b> Публицистика назариясида асарнинг мазмун ва шакл муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида)...	3
<b>Машарипова Тамара Жолдасбаевна</b> Проблемы содержания и формы произведения в теории публицистики (на примере материалов печати Республики Каракалпакстан.....	23
<b>Masharipova Tamara Joldasbayevna</b> Content and form problems of works the theory publicism (With examples of Republic Karakalpak press materials).....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ТАМАРА ЖОЛДАСБАЕВНА**

**ПУБЛИЦИСТИКА НАЗАРИЯСИДА АСАРНИНГ  
МАЗМУН ВА ШАКЛ МУАММОЛАРИ  
(Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида (ЎЗМУ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мўминов Файзулла Абдуллаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Баҳадирова Саригул**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Алламбергенова Перхан**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгаш асосида 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари бўйича) ихтисослиги бўйича бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ. Т. Ирнараров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тарих ф.д.

**Қ. Ш. Омонов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Х.Н. Досмухамедов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон журналистикасида публицистика тарихи, унинг назарияси ва амалиёти, моҳияти, предмети, объекти ва субъекти, функциялари масаласига оид изланишлар билан бир қаторда мазмун ва шакл муаммолари бўйича ҳам тадқиқотлар яратилмоқда. Шунингдек, ахборот асрида нуқтаи назар ва қарашлар тубдан алмашиб, янгича қонунлар юзага келмоқда, ёшлар орасида ўзгача урф ва анъаналар расм бўлиб, ўрганилиши зарур бўлган янгича руҳият майдонга чиқмоқда. Янги технологиялар миллионлаб кишиларнинг онги ва дунёқарашини, фуқаролар билан давлат, ижтимоий институтлар билан гуруҳлар, ҳатто бир оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни ўзгартиряпти. Бу, ўз навбатида, журналистика соҳасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги кунда жаҳон журналистикасида публицистика феноменининг ўзини ижтимоий-сиёсий жараён сифатида тўлиқроқ таҳлил қилиш, шу негизда, унинг назариясини инкишоф этиш, публицистик асарнинг мазмуни ва шакли категориялари тизими етарли даражада ишлаб чиқиш, унинг имкониятларидан ахборий фаолият давомида тўлиқроқ фойдаланиш, публицистиканинг нималиги, унинг моҳияти, публицистик фаолият қандай асосларга таяниши, унинг мавзу ва фактлари, жанрлари, услуби ва тили қанақа бўлиши, унинг услубий моҳиятини англаш, публицистиканинг ижодий имкониятларини инкишоф этиш ва улардан янада самарали фойдаланиш каби устувор йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб публицистика изчил равишда муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларни ёритувчи ижтимоий институт сифатида майдонга чиқди. Янги шароитларда публицистика доимо муҳим ижтимоий фаолият бўлиб келмоқда. Ахборот тўлиб-тошган ҳозирги даврда журналистдан энг аввало материалга шошилиш ишлов бериш ва уни ошиғич тарқатиш талаб этилади, шундай бўлса ҳам, бир қанча жиҳатларга кўра, ва биринчи навбатда, яхши мазмунга эга бўлган медиа хабарларига эҳтиёж ҳамиша катта. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш»<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Шубҳасиз, одамларнинг қалбига кириб боришда публицистика қўл келади, зеро у ҳар бир фуқарога бевосита боғланган бўлиб, унинг ташвишлари ва ҳаётини муаммоларини ёритади.

2017 йилда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль // «Халқ сўзи». 2017 йил. 8 февраль.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон журналистларининг ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарб журналистикаси маълум даражада бошқа журналистика, бу ҳатто журналистика ҳам бўлмай, оммавий коммуникациядир, шу боис, унинг назарияси коммуникативистика деб аталади. «Журналистика» атамасини АҚШ ва унинг таъсиридаги давлатларда «публицистика» сўзининг синоними деб тушунилади. МДХ ва унга яқин мамлакатларда эса бу борада қарашлар бирмунча ўзгача, бунда публицистика билан журналистика бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса – публицистика назарияси собиқ иттифокда кўпроқ ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги пайтда Россия Федерацияси бу масалада етакчиликни ўз қўлида сақлаб турибди.

Публицистика тадқиқотчилари орасида айни муаммо билан XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида муваффақият билан шуғулланган Е.П.Прохоров, В.В.Учёнова, М.С.Черепанов, В.Д.Пельт, В.М.Горохов, Е.И.Журбина, А.А.Тертичный, М.И.Стюфляева, В.И.Здоровева, Г.В.Прутцков, С.Г.Корконесенко, М.Н.Ким, С.К.Қўзибаев<sup>2</sup> каби олимларни кўрсатиш мумкин. Ғарчи публицистика назарияси билан тадқиқотчилар журналистика назариясидек шуғулланган бўлсалар-да, бу соҳада, хусусан мазмун ва шакл категорияларини ишлаб чиқишда эришилган натижалар кутилган даражада бўлмаган. Е.П.Прохоровнинг «Публицист ва воқелик» китоби бу муаммо бўйича ҳалига қадар энг яхши тадқиқот бўлиб

---

<sup>2</sup>Прохоров Е.П. Публицист и действительность. – М.: Изд-во МГУ, 1973; *Шу муаллиф.* Искусство публицистики. – М.: Сов. писатель, 1984; *Шу муаллиф.* Введение в теорию журналистики: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по направлению и специальности «Журналистика». 6-изд. Серия «Классический университетский учебник». – М.: Изд-во МГУ, 2005; Учёнова В.В. Публицистика и политика. – М.: Политиздат, 1979; *Шу муаллиф.* У истоков публицистики. – М.: МГУ, 1989; Черепанов М.С. Таинства мастерства публициста. – М.: Мысль, 1984; Теория и практика советской периодической печати. *Под ред. В.Д.Пельта.* – М.: Высшая школа, 1980; Горохов В.М. Слагаемые мастерства. Особенности журналистского творчества. – М.: Мысль, 1982; Журбина Е.И. Повесть с двумя сюжетами (о публицистической прозе). Изд-е 2-е, допол. – М.: Сов. писатель, 1979; Тертичный А.А. Жанры периодической печати: учебное пособие для студ. вузов. – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС, 2000; Стюфляева М.И. Образные ресурсы публицистики. – М.: Мысль, 1982; Здоровева В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. – М.: Мысль, 1979; Прутцков Г.В. Введение в мировую журналистику. От античности до конца XVIII в. Уч.-мет. комплект (учебное пособие, хрестоматия). – М.: Аспект Пресс, 2010; Корконесенко С.Г. Основы журналистики. Учебник для студ. вузов, обучающ. по напр. и спец. «Журналистика». – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС. 2002; Ким М.Н. Новостная журналистика. Базовый курс. Учебник. – СПб.: Издательство Михайлова В.А., 2005; *Шу муаллиф.* Основы теории журналистики: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2013; Козыбаев С.К. и др. Журналистика Казахстана. Энциклопедия. – Алматы: «Экономика», 2006;

қолмоқда<sup>3</sup>. Қайд қилиш керакки, бу муаллиф ўз олдига публицистика функцияларини унинг предметига боғлиқ ҳолда ўрганишни конкрет вазифа қилиб қўйган. Бироқ унинг айна мавзудаги кейинги китоби мазмунан аввалгиси даражасида эмас<sup>4</sup>.

Публицистика назариясининг у ёки бу масалалари номлари юқорида кўрсатилган муаллифларнинг китоб ва ўқув қўлланмаларида тадқиқ этилган. Шунингдек, қисман публицистика маъноси<sup>5</sup>, XVII аср инглиз инқилоби ҳамда XVIII аср Француз ва Америка инқилобларининг публицистикаси<sup>6</sup> ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда журналистикани илмий асосда ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар яратилди<sup>7</sup>. Қорақалпоқ миллий прозасининг шаклланиши ва ривожланишида очерк ва фельетоннинг аҳамияти<sup>8</sup>, оммавий коммуникация воситаларида бадиий адабиёт турлари<sup>9</sup>, замонавий қорақалпоқ лирикасида бадиий шакл муаммолари<sup>10</sup>, ёзувчи публицистикасининг хусусиятлари<sup>11</sup>, қорақалпоқ публицистикаси негизлари<sup>12</sup>, мустақиллик даври қорақалпоқ публицистик лирикасининг ривожланиш йўллари ва тамойиллари, унинг бадиий жиҳатлари<sup>13</sup> ўрганилган. Хотиралар публицистикасига оид асарларнинг ҳам аҳамияти катта<sup>14</sup>.

**Диссертация тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотлар режасининг «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш», «Ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга

<sup>3</sup>Прохоров Е.П. Публицист и действительность. – М.: Изд-во МГУ, 1973.

<sup>4</sup>Прохоров Е.П. Искусство публицистики. – М.: Сов.писатель, 1984.

<sup>5</sup>Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. – М.: Аспект Пресс, 2010.

<sup>6</sup>Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. Ф.А.Мўминов (гурух раҳбари), А.Н.Нурматов, М.Солиева ва бошқ. 2-нашр. – Т.: Фан ва технология, 2008.

<sup>7</sup>Тогаев О. Публицистика жанрлари. – Т.: 1976; Мухаммадиев Р. Ўзбек совет публицистикаси. – Т.: Фан, 1977; Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И. История печати Узбекистана. Уч. пос. для факультетов и отд. журналистики ун-тов. – Т.: Ўқитувчи. 1978; Саидов О. III. Сатирическая публицистика в периодической печати. – Т.: 1986; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. 2-нашр. – Т.: «ТАФАККУР», 2011; Нестеренко Ф., Казем М., Маматова Я. Луғат-маълумотнома. – Т.: Зар қалам, 2003; Дўстмухаммад Ҳ. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Назарий-методологик таҳлил. – Т.: Янги аср авлоди, 2007; Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: «Шарқ», 2008; Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. – Т.: «O'zbekiston», 2013; Муминова Ф.И. Международная журналистика. – Т.: ЖИДУ, 2017. ва бошқ.;

<sup>8</sup>Нурмухамедов М. Таъламли шығармаларының 2 томлығы. II том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985.

<sup>9</sup>Жаримбетов Қ. XIX эсир қарақалпақ лирикасының жанрлық кәсийетлери хәм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004; Шу муаллиф. Эдебияттаньўдан сабақлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2012.

<sup>10</sup>Оразымбетов Қ.К. Хәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хәм типологиясы (1970-2000 жыллар лирикасы мысалында). – Нөкис: «Билим», 2004.

<sup>11</sup>Абдимуратов А. Публицистика Тулепбергена Каипбергенова: специфика, проблематика, жанрово-стилистические особенности. Автореф. дисс. к. филол. н. – Т.: ТашГУ, 1997.

<sup>12</sup>Палъанов Б. Қарақалпақ публицистикасының раўажланыў негизлери. Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң хабаршысы. 2011. №1-2. – 126-127 б.

<sup>13</sup>Аянов А. Мустақиллик даври қорақалпоқ публицистик лирикаси. Филол. ф. н. дисс. автореф. – Нукус: ҚДУ, 2010.

<sup>14</sup>Қаранг: Алланазаров Т. Заман гәрдиши. «Эмиўдәрья». 1991. №10,11; Камалов Қ. Ел хызметинде. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995; Қаниязов С. Алтын жағыс. – Нөкис: «Билим», 2006; Өтениязов Қ. Ойларыма өзеклес өмирим. – Т.: Академия, 2001.

айлантириш», шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқотлар режасининг «Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti» мавзусидаги илмий дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** публицистикани ахборий фаолият шакли сифатида ўрганиш ҳамда публицистик асарнинг мазмуни ва шакли сингари назарий категориялар концепциясини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

публицистиканинг фаолият шакли сифатидаги моҳиятини ўрганиш;  
публицистик асар яратиш ижодий жараёнига тавсиф бериш;  
услугни драматиклаштириш механизмини публицистик асар дунёга келишининг дастлабки жараёни сифатида кўриб чиқиш;  
публицистикани таҳлил этилаётган муаммога аудитория эътиборини жалб этишнинг психологик методи сифатида талқин қилиш;  
публицистик асар мазмуни унсурларининг тадқиқот муаллифи инкишоф этган тизимини тавсифлаш;  
публицистик асарлар шаклига хос унсурларни ўрганиш.

**Тадқиқот объектини** ягона умумдунёвий ва миллий тамаддунинг бир йўналиши сифатидаги публицистика, шу соҳадаги назарий ишланмалар ва Қорақалпоғистон матбуотида эълон қилинган публицистик асарлар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни публицистик асарнинг мазмуни ва шакли назарий категорияларининг яхлит тизими ва уларнинг ички таркиби ҳамда хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Муаммони тадқиқ этишнинг илмий усуллари сифатида қиёсий ва тарихий методлар қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

публицистиканинг «ижод тури» ва «махсус услубда бажарилган матнлар» маъноларидан ташқари дефинициянинг аудитория учун муҳим бўлган «публицистик асар яратиш механизми» ва публицистикани тўртинчи ҳокимият мавқеига етказадиган «ижтимоий институт» тушунчаларига ҳам эга эканлиги исботланган;

публицистик асар мазмунининг унсурлари уч асосий бирлик – мавзу, факт ва талқинга бирлашганлиги ишлаб чиқилган;

«публицистик асар услуби» ифодасининг ноаниқ эканлиги, зеро публицистиканинг ўзи услуб эканлиги асосланган;

алоҳида публицистик жанрларнинг мавжуд эмаслиги, журналистика, бадий адабиёт ва илмий ижодга тааллуқли асарларни публицистик шаклда ифода этиш мумкинлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кундалик публицистик ижод йирик назарий тушунчалар тарзидаги ягона илмий негиз шаклида маълум бир асосга эгалиги аниқланган;

ёритилаётган ҳодисани ижодий драматиклаштириш публицистик асар барпо этишнинг асосий амалий усули экани далилланган;



публицистиканинг биринчи ва асосий белгиси асарга тегишли услуб бахш этишдан иборатлиги кўрсатилган;

асарни оммавий аудитория томонидан публицистик идрок этиш маълум бир психологик жараён натижаси экани ҳисобга олиниб, бундай асар фақат зарур лисоний-услубий воситалар кўмагида барпо этилиши белгиланган;

бугунги аудиториянинг кундалик турмуш суръати юқори экани ҳисобга олиниб, публицистик урғу бериш (муаллиф талқинича, публицистиканинг биринчи маъноси) орқали ижтимоий муаммоларга эътиборни жалб этиш ҳам унинг бошқа уч маъноси каби муҳим эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда фойдаланилган таянч тушунчалар бўйича фундаментал илмий ва методологик, фалсафий ва махсус адабиётларга таянилгани, аввал қўлга киритилган илмий натижалар ҳар тарафлама таҳлил қилингани, ўртага қўйилган вазифаларнинг изчил таҳлили ёрдамида янги ғояларнинг асосли исботланиши ва публицистика амалиёти ҳамда мантиқ қонуниятлари негизида хулосалар чиқарилганлиги, шунингдек, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Қўлга киритилган натижалар профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, магистр ва бакалаврларнинг публицистика ва журналистика назарияси соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришида, журналистика ва публицистика назарияси ва амалиёти бўйича умумий ва махсус курслар ўқишда, мазкур йўналишларда дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва методик ишланмалар, илмий мақолалар тайёрлашда таянч материал бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Шунингдек, ишнинг амалий аҳамияти публицистика кўмагида аҳолининг кенг қатламлари эътиборини ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларига жалб этиб, уларнинг муҳокама этилиши ва тегишли қарорлар чиқарилишини таъминлаши, республика тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан публицистлар чиқишларининг таъсирчанлигини ошириши, миллий мафкурамизга ёт хорижий нашрлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, интернет сайтларига қарши самарали ахборий кураш олиб борилишини таъминлаши, ОАВ таҳририятлари жамоаларининг журналистик амалиёти савиясини юксалтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Публицистика назариясида асарнинг мазмун ва шакл муаммолари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

публицистикани ижтимоий институт сифатида қабул қилиш, «публицистика жанрлари» ўрнига «журналистика жанрлари» деб қўллаш, публицистиканинг ўзи услуб эканлиги ҳамда ишда мавжуд бўлган бошқа илмий-назарий ва илмий-методик тавсиялар матбуот амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 11/3286- сон маълумотномаси). Натижада публицистиканинг «ижод тури» ва «махсус тарзда ёзилган матн» сифатидаги тушунчаларидан ташқари

«публицистик асар яратиш механизми» ва «ижтимоий институт» маъноларида талқин этиш орқали журналистиканинг жамиятдаги ўрнини кенгроқ тушунишга, соҳанинг ривожланишига оид билимларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

публицистик асарнинг мазмунига нисбатан янгича талқинлар, унинг уч унсури (мавзу, факт ва уларнинг талқини) ҳақидаги натижалардан мамлакатимиз журналистларининг ижодий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 13/307- сон маълумотномаси). Публицистик асарнинг мазмун ва шакл муаммолари тўғрисидаги диссертантнинг янги илмий хулосалари телерадио, интернет ва босма нашрлар фаолиятининг сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилган;

публицистика назарияси ва амалиёти, медиа жанрлари, тили ва услубига оид тавсиялардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг амалий фаолиятида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2017 йил 20 январдаги 01-02/29-сон маълумотномаси). Натижада телерадиодастурларни публицистик руҳда тайёрлашда, тил ва услубда йўл қўйилаётган камчиликлар, хато ва тушунмовчиликларнинг олдини олишда назарий асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та тўплам ва илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Жанлы сөз» (Тошкент, 2011), «Глобалласуё процесси ҳам ғалаба хабар қураллари хизмати» (Нукус, 2014), «Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари» (Тошкент, 2015) республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда «Халық аўызеки дөретиўшилиги миллий ҳам улыўмаинсанный қәдириятлар системасында» (Нукус, 2015) мавзусидаги халқаро илмий анжуманда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган, миллий публицистиканинг назарий ва амалий масалалари бўйича газета мақолалари чоп этган, радио ва телевидениеда кўпгина чиқишлар қилинган (25 йил давомида мингга яқин)<sup>15</sup>.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш босмадан чиқарилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати (174 ном)дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифа матндан таркиб топган.

---

<sup>15</sup> Муаллиф 2013 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти – 2012» танлови голиби (биринчи ўрин) бўлди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилиб, мавзу бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Публицистика тушунчаси. Публицистик асарнинг мазмуний унсурлари**» деб номланган биринчи бобида терминни янгича англаш зарурлиги тўғрисида гап боради. Унинг аввалги маъноси луғатлар, энциклопедиялар ва олимларнинг ушбу муаммога бағишланган асарлари бўйича ўрганиб чиқилди<sup>16</sup>. Бунинг натижасида ушбу атама икки маънода – ижоднинг бир тури ва алоҳида хусусиятга эга бўлган матн сифатида қўллаб келингани аниқланган. Муаллифнинг фикрига кўра, «публицистика» сўзининг тўртта асосий маъносини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) муайян мавзуни танлаб олиш ва ўткирлаштирилган хусусият бахш этган ҳолда публицистик асарни яратиш; 2) ижод тури; 3) махсус услубдаги матнлар; 4) ижтимоий институт.

«Публицистика» терминининг биринчи маъноси – *публицистик асарни яратиш жараёни*дир. Айтиш керакки, публицистика мавзулар бўйича умуман мустақил эмас. Публицистикада ўзининг, фақат унга хос мавзуи ҳам, фақат публицистик бўлган муаммоси ҳам йўқ. Бори – кўриб чиқилаётган масаланинг публицистик ижроси, холос. Баъзи муаммолар бунинг учун кўпроқ мувофиқ келади, баъзилари эса камроқ. Шу сабабли, айрим мавзуларни публицистик мавзу деб аташни ҳам илмий жиҳатдан ўйлаб кўриш керак. Аслида, худди шундай публицистик асарларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўпгина муаммолар бўйича тайёрлаш мумкин. Шу сабабга кўра, публицистика – матнлар ва фаолият методи бўлибгина қолмай, баён этишнинг жонли, ўткир шакли ҳамдир.

Иккинчи маъно – *публицистика ўзига хос ижод тури* эканлиги ҳақида кўп ёзилган. Фақат Е.П.Прохоровнинг ўзи мазкур мавзуга докторлик

---

<sup>16</sup>Қаранг: Краткая литературная энциклопедия. Гл. ред. А.А.Сурков. – Т. 6. – М.: Сов. энциклопедия, 1971; Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1987; Прохоров Е.П. Искусство публицистики. – М.: Сов. писатель, 1984; Ученова В.В. Публицистика и политика. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1979; Здоровета В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. – М.: Мысль, 1979; Электронный большой энциклопедический словарь. 2000. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/274318>; Современная энциклопедия. 2000. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc1p/39546>; Толковый словарь иностранных слов Л. П. Крысина.-М.: Русский язык, 1998. [https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_fwords/29872/%D0%9F%D0%A3%D0%91%D0%9B%D0%98%D0%A6%D0%98%D0%A1%D0%A2%D0%98%D0%9A%D0%90](https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/29872/%D0%9F%D0%A3%D0%91%D0%9B%D0%98%D0%A6%D0%98%D0%A1%D0%A2%D0%98%D0%9A%D0%90) ва бошқ.; Фоминых В.Н. К спорам о публицистике (о трехзначном смысле термина «публицистика») // Журналистика развитого социализма: вопросы теории и методики. Свердловск: Изд-во Уральск. ун-та, 1980. – С. 68-69.

диссертацияси ва урта монографиясини бағишлаган. Е.П.Прохоровнинг публицистикани билишнинг учинчи тури сифатида тавсифлашга уриниши ўринли деб топилмади, топилиши мумкин ҳам эмас эди. Бу амалда инсоннинг воқеликни идрок этишида – рационал ҳамда ҳиссий билишдан сўнг – учинчи тур бўлиши керак эдики, бу амалда мумкин эмас. Ушбу ёндашув А.Г.Бочаров томонидан ўринли танқид қилинди<sup>17</sup>. Кейинроқ Е.П.Прохоров қарашларини ўзгартириб, публицистика – билишнинг ўзига хос шакли, деб эълон қилгач, бу ғоя мақбул топилди.

Публицистиканинг учинчи маъноси – *матнлардир*. Публицистика ўзига хос мазмун ва шаклга эга босма ёки оғзаки матн деган таъриф машхур. Публицистик матн – мазмуний ва шаклий унсурларнинг муайян ёндашув ҳамда ғоя асосида бирлашган мажмуидир. Матннинг мазмуний жиҳатлари фақат журналист зиммасида бўлиб қолмай, асар мўлжалланган аудиторияга ҳам боғлиқ, айнан аудитория публицистик коммуникациянинг асосий бўғинидир. Аммо қайд қилиш керакки, ҳеч қайси чинакам публицистик матн тўлиқ ва мукамал идрок қилинмайди. Француз социологи ва адабиётшуноси Ролан Барт айтганидай, «матн – чексизлик сари чексиз очилган нарса»<sup>18</sup>.

Публицистиканинг тўртинчи маъноси – *жамиятнинг ижтимоий институти*. Публицистика ижтимоий институтнинг энг кенг маъносида халқ ҳаётида тўлиқ равишда тажассум топади. Публицистик матнни долзарблаштириш у дунёга келаётган муҳитнинг шароитига мувофиқ амалга оширилади. Бунда жамият аъзолари фаолиятини жонлантириш публицистика ёрдамида, публицистик сўзни аудиторияга таъсир этишнинг асосий методи сифатида сафарбар этиш орқали амалга оширилади.

Дунё халқлари ўзларини ўз миллий публицистикаси орқали инкишоф этишлари боис, энг юксак савияли асарлар халқаро аҳамият касб этади. Жаҳон публицистикаси – улкан кўзгу, ягона ахборий манзара, ҳар бир халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураши битилган бекиёс энциклопедия. Башарти маҳаллий ҳокимиятлар миллий журналистика ва публицистикани тўртинчи ҳокимият сифатида тан олмасалар, у ҳолда тўртинчи ҳокимият бўлиб халқаро журналистика ва публицистика майдонга чиқади ва уни маҳв этадиган куч топилмай қолади, зеро публицистика – бутун башарият маънавий тириклигининг етакчи ва жозибадор шаклларида биридир.

Ишда, шунингдек, асар мазмуни ва шакли бирламчилигининг тарихий эволюцияси ўрганилиб чиқилган. Асар мазмуни ва шаклининг мутаносиблиги муаммоси доимо ижодий фаолиятнинг мушкул масалаларидан бўлиб келган. Britannica катта энциклопедик луғатида «мазмун» дефиницияси берилмаган. Муаллифлар мазмуннинг мавжудлиги, мазмун билан шакл бирлиги тўғрисида ўз қарашларини нима учундир келтиришмаган. Уларнинг фикрича, барча нарсани шакл белгилайди, бу сўзнинг ўзи мазмуний унсур сифатида «ғоя» тушунчасида ифода топган.

<sup>17</sup>Бочаров А.Г. Не сотвори себе гомункулуса // Вестник Моск. ун-та. Сер. Журналистика. 1968. №5.

<sup>18</sup>Қаранг: Большой энциклопедический словарь: философия, социология... Гл. науч. ред. и сост. С.Ю.Солодовников. – Мн.: МФЦП, 2002. – С. 319.

МДХ олимларнинг позицияси америкаликларнинг қарашларига зид. МДХ мутахассислари бу икки категория орасида асосан мазмунни етакчи деб билишади. Шундай қилиб, америкалик муаллифлар шаклни ҳал қилувчи омил деб билсалар, МДХ олимлари мазмунни шаклдан устун қўйишади.

Эволюцияга мурожаат этсак, қуйидаги маълум бўлади. Платон шаклни биринчи ўринга қўйган, Аристотель эса бу категорияларни бир-бирига яқин тарзда кўриб чиққан. Илмий истеъмолга «мазмун» тушунчасини киритган Гегель уни бирламчи деб ҳисоблаган. Бу фикр ҳозиргача ҳукмронлик қилиб келади. Ушбу фалсафа таъсирида бугун олимлар ҳам мазмунни устувор дейдилар. Бобда буни исботлайдиган бир қатор мисоллар келтирилган. Профессор Қ.Оразимбетов шакл ёки мазмун етакчилиги муаммосини замонавий қорақалпоқ лирикаси таҳлилида кўриб чиқади<sup>19</sup>. Янги асрда ахборот кўлами ошаётгани сари кенг аудиториянинг маълумотлар билан танишиши кўпроқ юзаки бўлиб бораётгани ҳам шаклнинг аҳамияти янада ошишининг бир далилидир.

*Мазмуннинг биринчи кўриниши сифатида асар мавзуи таҳлил этилган.* Мазмуннинг мутахассислар анъанавий равишда кўрсатадиган қисмлари (ижодий мақсад, ғоя, публицистик позиция ва ҳ.) тадқиқотчи ажратган уч унсурнинг бирига тегишли деб қаралган.

Публицистик чиқишларнинг проблематикасига келганда шунини айтиш керакки, Қорақалпоғистон публицистикаси мамлакат иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳаётининг барча асосий йўналишларини қамраб олади. Улар ичида энг муҳими – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Тарихий ўтмиш ва аждодларимиз, қатағон йилларида маҳв этилган маърифатпарварлар, сиёсий ва жамоат арбобларининг қутлуғ номини тиклаш мавзулари ҳам шунга киради. Қорақалпоғистон публицистикасида тинчлик, мамлакатимиз халқлари (ўзбеклар, қорақалпоқлар, қozoқлар, руслар ва б.) ҳамда хорижий миллатлар билан дўстлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги қўллаб-қувватланади. Ўзбекистонда урушни тарғиб этиш, ирқлараро ва миллатлараро душманликни авж олдириш тақиқланган бўлиб, демократия жараёнлари, фикрлар хилма-хиллиги принципини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш эъозланади. Мазкур бобда ушбу мавзулар кўлами таҳлил этилган.

Мазмуннинг қолган икки унсури, фактлар ва уларнинг талқини ҳам ишда батафсил кўриб чиқилган. Публицистиканинг спецификаси шундайки, унда эмпирика, яъни тажриба орқали ҳосил қилинган билим оммавий аудитория учун назарий мулоҳазаларга қараганда тушунарлироқ бўлади. Фактларни кўриб чиқишга замонавий ёндашув ҳам уларнинг макон ва замон миқёсида маҳдуд бўлиб қолмаслигини тақозо этади. Фактларнинг энг юқори даражасини шартли равишда жаҳонфактлар (дунёвий миқёсдаги фактлар) деб аташ мумкин, Орол денгизининг қуриб бораётгани ҳам шу сирага киради.

---

<sup>19</sup>Қаранг: Қ.Оразимбетов. Ҳазирги қорақалпоқ лирикасында кerkem формалардың эволюциясы ҳам типологиясы (1970-2000 жыллар лирикасы мысалында). – Нөкис: Билим, 2004. – 188 б.

«Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати»га<sup>20</sup> дунё жамоатчилиги эътибори бежиз қаратилмаган.

Ўтмиш ва айни замон қиёси, мустақилликка қадар ва ундан кейинги давр, шу тарика юзага келтириладиган публицистик контрастлар – бу ҳам публицистлар томонидан оммавий аудитория эътиборини жалб этишнинг самарали йўлларида бири эканлиги кўрсатилган.

Талқин ҳар хил бўлиши мумкин. Фактларнинг публицистик талқини бошқа хил изоҳлардан кескин айирмаланади, зеро бу фикрлаш услубидир. Аслида, ҳар бир жиддий публицист ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган тафаккур соҳибидир. Инсоний қадриятларнинг публицистик маъносини топиш – муаллифнинг вазифаси. Бундай позицияни таниқли шоир Эркин Воҳидов жуда яхши умумлаштирган: «Агар бугун барча инсоний фазилатлар ичида энг олий, энг қадрлиси нима, деб сўров ўтказилса, ишонаманки, ер юзи халқларининг асосий қисми меҳр-шафқатни айтади. Зотан, бу замонда одамзот энг муҳтож бўлган, лекин жуда камёб, жадал тараққиёт баробарида кўпайиш ўрнига озайиб кетаётган туйғу – меҳр-шафқатдир»<sup>21</sup>. Хуллас, талқин – фикр етказишнинг энг муҳим жараёнларидан биридир.

Бизнингча, постмодернчилар томонидан мазмуннинг ўлиши концепциясини – адо бўлиш эмас, балки унинг ҳар сафар аудиториянинг кўп сонли вакилларида қайта тирилиши деб тушуниш лозим. Бунда мазмуннинг чексизлигини талқиннинг чексизлиги тақозо этади. Бугина эмас, «ҳақиқат тушунчасининг ўзи ҳам барқарор бўлмай қолади, фақат ишониш даражаси ва таважжуҳ унинг мезони бўлиб майдонга чиқади. Бу мутлақ ҳақиқат (унинг ўрнига эндиликда аниқ икки қутбли оппозицияси бўлмаган релятивизм назарияси таклиф этиляпти) танқиди билан постмодернизм тадқиқотчилари шуғулланишади»<sup>22</sup>. Постмодернчиларнинг қарашлари ана шундай. Бу позиция уларнинг «дунё – бетартиб борлиқ» деган тезисига мувофиқ келган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Медиа жанрлари**»га бағишланиб, публицистика жанрларининг анъанавий ва электрон луғатлар ҳамда энциклопедияларда тасниф этилиши; публицистика ва журналистиканинг ўзаро муносабатлари; публицистика тарихи; сиёсий, иқтисодий ва фалсафий публицистика; диний мавзудаги публицистика; бадий асарда публицистик унсурлар; шеърий публицистика; оғзаки публицистика каби масалалар тадқиқ этилган. Бу борада каттагина назарий дискурснинг майдонга келишига сабаб, муаллифнинг фикрича, кўпдан бери журналистика жанрлари янглиш равишда публицистика жанрлари деб номланиши. Ушбу масалани ҳал этиш мазкур бобнинг асосий муаммоси бўлган.

Жанрлар борасидаги масалани аниқ-тиниқ ҳал этиш публицистикани журналистика билан қиёслашни тақозо этади. Е.П.Прохоров *журналистика* атамасида беш маънони ажратади: 1) алоҳида ижтимоий институт; 2) касбий

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72- сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

<sup>21</sup>Воҳидов Э. Тирик ҳазина // Озод Ватан саодати. Беш жилдли. Таҳрир хайъати: Муҳаммад Али, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир ва бошқ. 4-жилд. Бадий публицистика. – Т.: «Adib», 2013. – Б. 18.

<sup>22</sup>Қаранг: [http://knowledge.allbest.ru/philosophy/2c0b65625a3ac68b5c43a89421316d37\\_1.html](http://knowledge.allbest.ru/philosophy/2c0b65625a3ac68b5c43a89421316d37_1.html)

фаолият тизими; 3) касблар мажмуаси; 4) асарлар тизими; 5) оммага ахборот етказиб бериш тармоқлари мажмуаси<sup>23</sup>.

Бундан журналистика билан публицистика орасида катта тавофут бор эканлиги аён бўлади. Журналистика маълум даражада рационаллашган, публицистика эса, асосан туйғуларга таъсир этишга йўналтирилади. Ғарбда журналистика ва публицистика тушунчалари синоним бўлиб келади. «*Публицистика*» сўзи инглиз тилида биз тушунган маънони бермайди.

А.В.Западов, В.И.Здорова, Е.И.Журбина, В.Д.Пельт, Е.П.Прохоров, П.И.Ткачев, В.В.Учёнова, А.Г.Цейтлин, М.С.Черепанов, О.Тоғаев, Р.Мухаммадиев, М.Хусаинов, М.Худойқулов ва бошқа бир неча авлод тадқиқотчилари публицистик жанрлар хусусида сўз юритдилар. Бунда анъанавий равишда ахборий, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар деган уч гуруҳ публицистик жанрлар санаб кўрсатилади.

Шу билан бирга, аёнки, публицистика – субъект (публицист) томонидан кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш учун ўз асарига атайлабдан ўткирлаштирилган тус беришни тақозо этади. Бунга чиқишларнинг ташвиқий тусда бўлиши, ўртага қўйилаётган масаланинг асосий жиҳатларини долзарблаштириш, далил ва ҳужжатларни саралаб олиш, пафос, лирик чекинишлар, қарши далилларни ишлатиш, бадиий адабиёт образларини мисолга келтириш, жозибадор тил ва услуб, фаолликка, фуқаролик позициясига ундаш каби воситалар орқали эришилади.

Демак, публицистика – асар мазмунидангина иборат бўлмай (бундай мазмун, масалан, илмий мақолада ҳам бўлади), балки шу билан бирга, таҳлил ва баённинг махсус услубини ҳам тақозо этади. Услуб эса шаклга тааллуқли унсурдир. Аён бўладики, публицистика ўз жанрларига эга бўлиши мумкин эмас, зеро жанр – шакл демакдир. Хўш, унда нима сабабдан айрим жанрлар публицистика жанрлари деб аталади?

Бу чалкашликнинг ўз илдизлари бор. МДУ профессори Г.Я.Солганик ОАВ чиқишларини баҳолашда уларни партиявий ёндашувлар деб атайди. Жанрларни публицистика жанрлари деб аташнинг тарихи эса жўнгина: совет журналистикаси партиявий характерда эди. Мафкуравий ёндашув кудратли ишонтириш тизимини тақозо этарди – ишонтиришни ахборот (яъни журналистика) ёрдамида эмас, балки ташвиқот ва тарғибот (публицистика) орқали ташкил этиш ўнғай эди. Шу тариқа, журналистика тушунчаси публицистика тушунчаси билан алмашди, журналистика жанрлари эса публицистика жанрлари деб атала бошлади. Бобда бу фикр исботланган.

Бас, журналистика жанрларини публицистика жанрлари деб атаб, мутахассислар кўпдан бери хатога йўл қўйиб келишаётгани аён бўлди. Бу жиддий назарий ва амалий аҳамиятга молик масала бўлиб, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бизнингча, ўз-ўзича, публицистика жанрлари деган нарсалар йўқ, балки журналистика ёки адабиётнинг у ёки бу жанрларида публицистик руҳ намоён бўлади. Публицистика – бу услубнинг

---

<sup>23</sup>Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по направлению и специальности «Журналистика» / Е.П.Прохоров, 6-изд. Серия «Классический университетский учебник». – М.: Изд-во МГУ, 2005. – С. 16-17.

ўзига хос жиҳатидир. Албатта, ҳар қандай ўзига хослик мазмун орқали шаклда намоён бўлади, аммо бундан, публицистик жанрлар бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди.

Ушбу иш муаллифи келган хулоса шундан иборатки, публицистика жанрлари бўлмайди. Публицистика бошқа ижод турлари бўлмиш журналистика, адабиёт, фан, тасвирий ва мусиқий санъатга хос жанрларни қўллайди. У жуда кўп асарлар бағрига сингиб бориши, уларга жозибадор услуб ва шакл бериши, бошқа соҳаларнинг жанрларидан фойдаланиб, уларни алоҳида мақсад ва вазифалар йўлида публицистик асарга айлантириши исботланган.

Қайси соҳага публицистика кўпроқ синган: журналистикагами, прозагами, поэзиягами? Саволни бундай тарзда қўйишнинг ўзи мақбул эмас. У ҳолда, масалан, газета мақоласидаги публицистика романга қиёсан кучлироқ бўлади, деб айтишга тўғри келади. Лекин Чингиз Айтматов, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов асарларидаги публицистика кўпгина журналистик асарлардаги публицистикадан сезиларли даражада юқори экани ҳаммага маълум. Бинобарин, роман, қисса, ҳикоя, драма, комедия, поэзия, тасвирий санъат, карикатура, шаржда публицистик руҳ ва публицистик унсурлар кучли бўлишига ишончимиз комил.

Диссертациянинг «**Медиа услуби ва тили**» деб номланган учинчи бобида публицистик асарнинг ушбу икки йирик шаклий қисми ўрганилган.

*Услуб (стиль)* деганда, нутқий мулоқотнинг муайян соҳаларига тегишли, тарихан шаклланган, умумэътироф этилган усуллар тизими тушунилади. Академик В.В.Виноградовдан бошлаб рус тилида бешта услуб: сўзлашув, илмий, бадий, публицистик ва расмий-иш услуби анъанавий равишда ажратилиб келинган<sup>24</sup>. Кўпчилик замонавий журналистика тадқиқотчилари ушбу позицияни маъқуллайдилар. ҚДУ профессори Е.Бердимуродов<sup>25</sup> ва доценти А.Бекбергенов<sup>26</sup> ҳам асосан шу фикрни қўллаган.

Эътибор бериш керакки, «Публицистик услуб» деган атаманинг кенг тарқалишига матбуотда коммунистик тарғибот устун бўлган даврнинг сиёсий вазияти таъсир этган, ҳолбуки ОАВ ёки медиа услуби дейиш тўғрироқ бўлар эди. Муаллифнинг фикрига кўра, «публицистик услуб» бирикмаси ғайриилмий, чунки публицистиканинг ўзи услубдир, бу публицистиканинг моҳияти ёритилган бобда далиллаб берилган. Тил ва услуб соҳасининг таниқли мутахассиси, МДУ профессори Г.Я.Солганик публицистик услубни тавсифлаш асносида синоним сифатида, газета публицистикасига хос, газета услуби, сиёсий ва газета-журнал услуби атамаларини қўллаши бу муаммони бартараф эта олмаган<sup>27</sup>. Мазкур масала ишимизда бафуржа кўриб чиқилган.

<sup>24</sup>Қаранг: Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С. 5-6.

<sup>25</sup>Қаранг: Бердимуратов Е. Эдебий тилдин функционаллық стильлериниң раўажланыўы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыўы. Илимий редактор – проф. Н.А.Баскаков. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1973. 312-б.

<sup>26</sup>Қаранг: Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиниң стилистикасы. – Нөкис: «Қарақалпақстан». 1990. 80-б.

<sup>27</sup>Қаранг: Стилистический энциклопедический словарь русского языка. Под ред. М.Н.Кожинной. – М.: «Флинта», «Наука», 2003.



Энди ушбу услуб рус тилшунослигининг атоқли вакиллари – профессорлар В.Г.Костомаров ва Г.Я.Солганик томонидан қандай таърифланишига мурожаат этамиз. Профессор Т.М.Грушевская ва доцент Т.Г.Самарская «Публицистиканинг асосий услубий принципини В.Г.Костомаров «ягоналик, экспрессия ва стандартнинг бир-бирига киришиб кетиши» деб таърифлайди (Костомаров, 1974, 23)»<sup>28</sup>, – деб ёзганлар. Экспрессия ҳиссиётларнинг акс этиши бўлса, стандарт – меъёрдир, унга қайсидир бирон нарса ўз хусусиятлари ва белгилари билан мувофиқ келиши лозим. Бунда уларнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам ўз уйғун инъикосини нафақат ҳиссиётларда, шу билан бирга, умуман мантиқда ҳам, тилда ҳам топа олиши керак. Қайд қилиш керакки, асарда бу нарса «ташқи жиҳатдан» одатда, ҳиссиётлар сифатида кўзга ташланса-да, асос-замин сифатида муаллифнинг муҳокамаларида мантиқ етакчилик қилади.

«Г.Я.Солганик публицистиканинг етакчи принципи – ижтимоий баҳолашга мойиллик ва ҳиссиётлиқдир, – дея кўрсатади. – Тил воситаларини танлаб қўллаш шу орқали юзага чиқади»<sup>29</sup>. Баҳолашга мойиллик бирон нарсанинг сифати ёки аҳамияти ҳақида фикр айтишда намоён бўлса, ҳиссиётлиқ – туйғулар билан тўйинганлик, яъни, муайян нарсаларни тасдиқлаш ё инкор қилишда кўринади. Публицист – жамоат арбоби. Шу сабабли ҳам у таҳлил этилаётган вазиятни ижтимоий-гуманитар позициядан туриб баҳолайди. Ҳиссиётлиқнинг ўзи, маълум даражада, услубдир, бунда публицистик фаолиятнинг айнан услубий жиҳати етакчилик қилади. Баҳолашга мойиллик ва ижтимоийликда мантиқ кўпроқ иштирок этса, ҳиссиётлиқда туйғулар устун.

Баён тарзини ўткирлаштириш ва драматиклаштириш асарга публицистик эпкин бахш этадиган муҳим хоссалардан. Ўткирлаштириш – асосий, энг муҳим нарсани аниқ белгилаш ва уни таъкидлаш бўлса, драматиклаштириш – асарга жўшқинлик бериш, уни драматик характер билан тўлдиришдир. Булар аудиториянинг диққатини жалб этишда ўта муҳим.

Публицист аудиторияга мурожаат қилади, унинг виждонини, инсофини, олижаноблигини шоҳидликка чақиради. Ўз-ўзидан, услубнинг бундай хусусиятларидан бири – бевосита, тўғридан-тўғри ўқувчилар билан мулоқотга киришишдир. Газета-журнал услуби, лозим ҳолларда ҳиссиётли, баҳоловчи, экспрессив, истиоравийлик касб этади, лозим ҳолларда эса ўта мантиқий, аниқ, стандартлашган, холис хусусият касб этади. Кенг маънода олганда, ахборот билан тўлиб-тошган XXI асрда публицистиканинг ўқувчиларни шоҳидликка чақариши ҳам В.Г.Костомаров ва Г.Я.Солганиклар айтган хислатларидан муҳим бўлса муҳимки, кам эмас.

Умуман олганда, публицистик услуб мажмуавий нутқ тизими бўлиб, унинг таркибига бир қатор кичик услубларни ўз ичига олган турли услубларнинг унсурлари мансуб. Ҳар бир журналистик жанр ўз кичик услубларига ҳам эга.

